

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанднинг 2750

йиллик юбилейига

бағишланади

Ғ.Х.Қудратов, М.Қ.Пардаев, Г.М.Шодиева

КАСАНАЧИЛИК –

**АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ВА
ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ
ОМИЛИ**

САМАРҚАНД - 2007

Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. Касаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили. Тарғиботчилар учун услубий кўрсатма. Самарканд. СамИСИ, 2007. – 32 бет

Услубий кўрсатмада касаначиликни ривожлантиришнинг назарий ва услубий ҳамда ҳуқуқий масалалари, Ўзбекистонда уларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий муаммолари ва ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган. Унда касаначиликнинг шакллари, уни ташкил қилиш соҳалари, ҳисобга олиш, бериладиган имтиёзлар ва аҳолининг бандлигини таъминлашдаги роли ва йўналишларини такомиллаштириш масалалари ҳам қараб чиқилган.

Иш касаначилик билан шуғулланаётган ва шуғулланиш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларига мўлжалланган. Ундан олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчиларига, магистрлар, аспирантлар ва докторантлар, менежерлар, бухгалтерлар, аудиторлар, иқтисодчилар ва бошқа шу соҳалар билан қизиқувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳарир:

Иқтисод фанлари доктори, профессор М.Қ.Пардаев

Такризчилар: Иқтисод фанлари доктори К.Б.Ўразов,
и.ф.н., доцент Б.А.Абдукаримов

Институт ўқув-услубий кенгашининг 2007 йил 28 мартдаги 8-сон мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия қилинди.

**Ўқув-услубий кенгаш
раиси, доцент**

А.Б.Бектемиров

**«Статистика» кафедрасининг 2007 йил 26 март, 8-сон мажлисида кўриб
чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган.**

Кафедра мудири, профессор

М.Қ.Пардаев

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2007 й.

© Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М., 2007 й.

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Натижада 2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, халқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди.

2006 йилда иқтисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож oilаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта иш ўрни яратилди. Айниқса 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, унинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди¹.

Мамлакатимиз Президенти касаначиликнинг аҳамиятига тўхталиб, шуни алоҳида таъкидладик, «...биз катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни кўлидан иш келадиган одамларга, oilаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг oilа кўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларнинг, айтиш мумкинки, дунёқараши ўзгарди. Улар энди ўз oilаси, болалари олдида бошини кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнақида ўз ҳиссасини қўшади²».

Кўришиб турибдики, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида турли янгиланишлар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг ҳаммаси халқимизнинг фаровонлигини оширишга, уларни иш билан таъминлашга қаратилганлиги билан характерлидир. Бу янгиланиш ва ишсизликнинг олдини олишга қаратилган муҳим тадбирлардин бири, кўрганимиздек, касаначиликни ривожлантириш экан.

¹ Каримов И.А. "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир". 2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2007 йил 12 феврал. Ҳақ сўзи. 2007 йил 13 феврал.- 2 бет

² Ўша жойда. – 2 бет.

Аммо касаначилик бўйича, унинг назарий ва амалий хусусиятларини очадиган тадқиқотлар ва шунинг натижасида яратилаётган адабиётлар жуда кам. Буларни инобатга олиб ушбу соҳа бўйича илмий-оммабоп услубий тавсия яратилди.

Ушбу услубий тавсияда касаначилик тушунчаси, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти, касаначилик меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий моделлари, уни мамлакатимизнинг қаерида ва қандай ривожлантириш мумкинлиги, ушбу соҳадаги имтиёзлар ҳамда касаначилик меҳнатининг Самарқанд вилоятида амлга оширилиши мумкин бўлган турлари қараб чиқилган. Мазкур ишдан кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

1. Касаначилик тушунчаси

Табиқорликнинг турли йўналиш ва кўринишлари мавжуд. Касаначилик ҳам табиқорликнинг бир кўриниши сифатида аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, фаровонлигини ошириш учун асосий омиллардан биридир. Шу туфайли ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган махсус фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Бу борада мамлакатимизда 2006 йилдан бошлаб янги босқичга қадам қўйилди. Президентимизнинг 2006 йил 5 январда имзо чеккан “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ – 3706-сонли Фармони ушбу соҳани янгидан шакллантириш ва ривожлантиришнинг маъёрий ҳуқуқини яратиш борасида сезиларли ҳужжат бўлди. Мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январда 4-сонли қарори қабул қилинди. Шу қарор билан «Касаначилик тўғрисида Низом» қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси касаначиликни янги мазмунда ривожлантиришга қаратилган тадбирлардир.

Хуллас, касаначилик ривожланиш босқичига кирди. Бунинг учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар етишиб қолди. Бир томондан ишсизларнинг мавжудлиги бўлса, иккинчи томондан йирик саноат

корхоналарида бўш турган ускуналар ҳам йўқ эмас. Бу икки омилнинг ишга туширилиши мамлакатда кўшимча иқтисодий юксалишга сабаб бўлади.

Хўш, энди касаначиликнинг ўзи нима деган саволнинг туғилиши табиий. Бу борада олдин кўп гапирилган бўлиши мумкин. Аммо советлар замонида ушбу соҳа деярли унитилиб кетилган эди. Шу туфайли унинг таърифига, тушунчасига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Энг аввало, «касанаачи» ва «касаначилик» тушунчаларига тўхталиб ўтсак. **Касанаачи** деганда ўз уйида бировнинг буюртмасига биноан шартнома асосида бирорта маҳсулотни тайёрлаб берувчи 16 ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахс тушунилади. Агарда касанаачи билан корхона ўртасидаги муносабатлар модий жавобгарлик билан боғлиқ бўлса, у ҳолда 18 ёшан бошлаб касанаачи бўлиши мумкин. **Касаначилик** деганда эса, иш берувчининг буюртмасига асосан шартнома асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни ўзининг уй хўжалигида ташкил қилиш билан боғлиқ фаолият тушунилади. Касаначилик касанаачи билан иш берувчи ўртасидаги муносабатга асоаланади. У ҳолда иш берувчи ким? **Иш берувчи** деганда касанаачи билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касанаачи учун ишлаб чиқариш биносини белгилайдиган, уни асбоб ускуналар, жиҳозлар, материаллар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган, бажарилган ишни қабул қилиб оладиган ва унга ҳақ тўлайдиган юридик шахс тушунилади.

Касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларда таъкидланишича, йирик саноат корхоналари билан касаначилик ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади. Кўриниб турибдики, касаначилик билан шуғулланадиган аҳоли бевосита корхоналарда иш

билан банд бўлган аҳоли сингари барча ҳуқуқий имтиёзларга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, касаначиликнинг ривожланиши уй хўжалигининг ривожланишига, оилавий табиркорликнинг такомиллашувига, пировардида оила фаровонлигининг ошишига олиб келадиган муҳим тадбирладан биридир.

2. Касаначиликни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шакллана борган сари, унинг таъмойиллари ҳаётимизга кириб бориши билан ишсизлик тушунчаси кескинлашиб бораверади. Эркин рақобат ҳам бўй жараёни кучайтирувчи омиллардандир. Буларнинг олдини олиш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлашни йўлга қўйиш ҳар қандай мамлакат раҳбариятининг асосий вазифаларидан бирига киради. Шу туфайли бизда ҳам ушбу ишни яхши йўлга қўйиш учун кескин чоралар қўрилмоқда. Улардан бири сифатида, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 5 январда имзо чеккан “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ – 3706-сонли Фармони кириштириш мумкин. Мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 11 январда 4-сонли қарори қабул қилинди. Шу қарор билан «Касаначилик тўғрисида Низом» қабул қилинди. Бундан ташқари “Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томондан ишларни бажариш (хизматлар қўрсатиш) учун намунавий меҳнат шартномаси”нинг шакли ҳам тасдиқланди.

Корхона билан касаначилар ўртасидаги муносабатлар “Касаначилик тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширилади. Таъкидланганидек, ушбу низом 2006 йилнинг 11 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 4-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу низомда касаначилар билан меҳнат шартномасини тузиш тартиби, уларга асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, хом ашё, материаллар ва

ярим тайёр маҳсулотлар бериш тартиби, маҳсулотларни олиб кетиш ҳамда бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилиш кафолатлари ва техник хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш, касаначилар харажатларини қоплаш тартиби, уларни ҳимоя қилиш механизмлари, томонларнинг ўзаро жавобгарликлари каби масалалар кўзда тутилган. Ушбу низомда касаначининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари, касаначининг иш вақти, дам олиш ва татил муддати, касаначиларни ижтимоий суғурта қилиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, касаначиларнинг меҳнат хавфсизлиги каби муҳим масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, низомда касаначилар меҳнатидан фойдаланадиган иш берувчиларга бериладиган имтиёзлар ва уларнинг қўлланилишини солиқ органлари томонидан назорат қилиш тартиби ҳам алоҳида кўрсатилган.

Мазкур фармон ва қарорлар республика аҳолисининг бандлиги, айниқса қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларига жалб этиш учун ва улар даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устуворликни беришни таъминлайди. Бу табирлар амалга оширилса, иш берувчиларга реал рағбатлар ва имкониятлар яратилади.

Хуллас, хусусий сектор билан биргаликда касаначиликнинг ривожланиши оилавий тадбиркорликнинг сонини янада кўпайтириш имкониятини яратади. “2005 йилнинг ўзида кичик бизнес объектлари 31,5 мингтага кўпайди ва уларнинг сони 310 мингтадан ортди³.” Агар буларнинг ёнига 2006 йилдан бошлаб касаначилик ҳам тез суръатларда ривожланадиган бўлса, оила фаровонлигининг янада ошиши муқаррардир.

Одамларнинг дунёқараши, менталитети ўзгариб бормоқда, улардаги ижтимоий боқимандалик, фақат давлатдан ёрдам кутиб яшашдек руҳият барҳам топмоқда. Чунки давлат мулкни асосан хусусий секторга бериб бўлди. Хусусийлаштириш жараёни яна давом этмоқда. Хусусийлаштириш натижасида «... ўз кучи ва имкониятига

³ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 2006 йил 11 феврал. – 2 бет

таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор - тадбиркорлар”⁴ синифи шаклланмоқда.

Йирик саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хамашё ва материалларни етказиб бериши асосида оилавий пудратни ривожлантириш, фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратилади. Бу, ўз навбатида йирик корхоналар иш самарадорлигини ошириш имкониятини ҳам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатида фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларининг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур фармонда бирқанча тадбирлар кўзда тутилган.

Энг аввало, аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш кўзда тутилган. Бундай тадбирни касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазасини таъминлаган ҳолда амалга ошириш лозимлиги, фармонда қатъий қилиб уқтирилган. Энди ишлашни хоҳлаганга иш топилди, деган хулосани қилса ҳам бўлади.

Иккинчидан, Президентимизнинг касаначиликка баҳишланган формонида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш лозимлиги уқтирилган. Бу ҳолат саноат корхоналари буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кескин ривожлантириш имкониятини беради. Уй хўжалиги ҳақақий ишлаб чиқариш хўжалигига,

⁴ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 2006 йил 11 феврал. – 2 бет

микроиқтисодиётнинг таркибий қисмига айланади. Уй хўжалигининг микроиқтисодиёт субъектига айланиши уни истеъмолчи деб юритиладиган субъектдан ҳоли қилиш имкониятини берибгина қолмасдан уни мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшадиган, иқтисодиётнинг юксалишига иштирок этадиган субъектга айлантиради.

Учинчидан, корхоналарнинг бюртмаси асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачи-корхоналар томонидан хомашё, материаллар ва ярим фабрикатларни етказиб бериш ҳамда тайёр маҳсулотини сотишга кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Бундай тадбирлар корхоналарнинг буюртмаси асосида фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг барқарор ишлаши учун шароит яратади. Бунинг афзаллиги шундаки, аста-секинлик билан касаначилик билан шуғулланган олдамларда тадбиркорлик кўникмаси пайдо бўла бошлайди ва улар кейинчалик мустақил равишда тадбиркорлик билан шғуннаниб кетишлари мумкин. Бунинг учун яна бир имконият мамлакатимизда ҳозир микрокредитлар бериш яхши йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар уйда ишлайдиган касаначилар билан меҳнат шартномасини тузадилар. Бундай шартнома асосида ишлаётган фуқаролар банд аҳоли тойифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади. Касаначилик асосида фаолият кўрсатаётган аҳолига пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда уларнинг ишлаган вақти меҳнат стажига киритилади. Булардан ташқари, уй хўжалигида яратилган маҳсулот мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти таркибига киритиладиган ва статистик ҳисоботларда қай этиладиган бўлади.

Фараз қиламиз, мамлакатимиз миқёсида бир йилда бир миллион киши касаначилик билан шуғулланиш учун шартнома тузиб меҳнат қилди. Улар ўрта ҳисобда бир йилда 2,0 миллион сўмдан маҳсулот ишлаб чиқарди. Касаначилик натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймати мамлакатимизда 2,0 миллиард сўмни (1,0 миллион киши х 2,0 миллион сўм) ташкил қилади. Бу шу касаначилик билан шуғулланадиган оилаларнинг ҳар бирига қўшимча дарома дегани. Агар яратилган маҳсулотнинг 30 фойизи давлат бюджетига солиқлар орқали тушадиган бўлса, бюджетга яна қўшимча 600,0 миллион сўм тушди дегани. Кўриниб турибдики, касаначилик

нафақат касаначи учун, балки давлат учун ҳам, жамият учун ҳам катта манфаат келтирадиган йўналишлардан бири экан. Чунки, касаначилик натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бозоримиз тўйинади, ташқаридан товарлар келтириш камаяди, ташқарига товар харид қилиш учун кетаётган валютаимиз тежалади.

Касаначилар билан меҳнат шартномаси асосида ишлаётган корхоналар зиммасига зарур ускуналар етказиб бериш, уларга техник хизматлар тизимини ташкил қилиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва ярим фабрикалар билан таъминлаш белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш, буюртмачи талаб қиладиган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш ҳам корхоналар зиммасига юклатилган. Бундай тадбирлар касаначилик билан шуғулланадиган аҳолига катта қулайликлар яратади.

Корхоналар, ушбу фармон билан ўз касаначиларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шarti билан бериш ҳукуқига эга бўлди. Булардан ташқари, корхоналар ўз касаначиларига тегишли жиҳозларни лизинг (молиявий ижара) асосида ҳам тақдим этиш ҳукуқига эга.

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди. Бу корхона ходимлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) сингари тайёр маҳсулот сифатида расмийлаштирилади.

Касаначилар томонидан шартнома асосида уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар сифати учун уларни корхонага топшигунча касаначилар масъул. Корхоналар ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олгандан кейин охириги истеъмолчига сотишда масъулликни ўз зиммаларига оладилар. Бундай тадбир уй хўжалигида ҳам маҳсулотни ишлаб чиқаришда, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда одамларимиз онгига сифатга катта аҳамият бериш лозимлигини сингиради.

Касаначиликдан, яъни корхоналар билан одамлар ўртасидаги кооперациялашувдан келинадиган наф бозор муносабатларига

ҳамоҳангдир. Чунки, унда икки ёқлама манфаатдорлик таъминланади. Буни қуйидаги чизмада ҳам кўриш мумкин.



1-чизма. Кооперациялашувдан келадиган асосий наф.

Изоҳ: Мазкур чизмани тузишда Б.Б.Алимуҳаммедовнинг (ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирининг ўринбосари) 2007 йил 12 январда ўқиган маърузасида берилган тарқатма материаллардан фойдаланилди.

3. Касаначилик меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий моделлари

Юқорида касаначиликни тадбиркорликнинг бир кўриниши деган иборани ишлатган эдик. Бу маълум даражада оилавий тадбиркорликка

кўп жихатдан жуда ўхшайди. Таъкидлаш жоизки, илгари ҳам оила тадбиркорлигига мос келадиган якка тадбиркорлик мавжуд эди. Лекин касаначилик якка тадбиркорликка нисбатан анча қулайликларга ва шу билан боғлиқ хусусиятларга ҳам эга. Бу қулайликлар ва хусусиятлар нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши табиий. Бу, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, касаначи расмийлаштириш жараёнида анча ташвишлардан ҳоли. Якка тадбиркор ўз фаолиятини бошлаши учун маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтиши шарт, касаначилар учун эса фақат иш берувчи билан шартнома тузса етарли.

Иккинчидан, касаначиликда якка тадбиркорга нисбатан фаолият доираси кенгроқ. Якка тадбиркор ўз фаолиятини юритиши учун белгиланган тартибда, белгиланган иш билан фақат ўзигина шуғулланишга ҳақли. Касаначиликда эса, шартномада кўзда тутилган фаолиятни бажаришга ўзидан ташқари оила оъзоларини ҳам жалб қилиши мумкин.

Учинчидан, якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолияти билан ўз уйида шуғулланса, у яшаб турган уйини яшаш учун мўлжалланмаган жой мақомига ўтказиши шарт, касаначиликда эса, яшаб турган уйи яшаш жойи мақомида қолади. Тадбиркорнинг уйи яшаш учун мўлжалланмаган жой мақомига ўтказилиши билан унга коммунал хизматлар учун тўланадиган ҳақ ошиб кетади. Касаначиликда эса бу миқдор ўзгармасдан қолади.

Тўртинчидан, якка тадбиркор тадбиркорлик фаолияти натижасидан қатъий белгиланган солиқларни тўлайди. Бундай солиқлардан касаначилар озод. Бундай вазифани иш берувчилар бажаради.

Бешинчидан, якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва вақтда текширилиб турилади. Касаначиликда эса, уларнинг фаолияти буюртмачи-корхона қонунчиликларида белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

Олтинчидан, якка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркор зарур дастгоҳлар, жихозлар, инвентарлар, ҳамашё ва материалларни ўзлари топади ва уларни етказиб келиш ҳам ўзларининг зиммасида.

Касаначиларга эса, бундай зарур дастгоҳлар, жихозлар, инвентарлар, хамашё ва материалларни, таъкидлаганимиздек, иш берувчи корхона таъминлайди.

Еттинчидан, шахсий тадбиркорлар барча фаолиятлари учун ўзлари масъул, яъни ўз фаолиятини ташкил қилиш, юритиш ва тугатишни ўзлари ҳал қилади. Касаначиликда эса, касаначилар фақат иш берувчи томонидан шартнома асосида бажарилиши лозим бўлган фаолиятгагина жавоб беради.

Саккизинчидан, шахсий якка тартибдаги тадбиркорлар ўз харажатларини ўзлари қоплайдилар ва уларга, одатда, иш ҳақи тўланмайди. Иш ҳақини фаолият натижасига қараб ўзлари белгилашлари мумкин. Касаначиларга иш ҳақи бажарилган ишларига қараб ишбай тарзда иш берувчи корхона тўлайди. Касаначиликни давом эттириш билан боғлиқ барча харажатлар учун иш берувчи кўшимча тарзда компенсация ҳам тўлайди.

Бундан буён, корхоналарда касаначилик меҳнати билан банд ходимлар сони статистик ҳисоботларда кўрсатилиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан республика Давлат статистика кўмитаси корхоналарнинг статистик ҳисоботларига айнан касаначилик билан шуғулланадиган хоимларни ифодаладиган кўрсаткичларни киритиши кўзда тутилган.

Касаначиликни жойларда ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларда ҳудудий комиссиялар фаолият кўрсатмоқдалар. Ушбу комиссия саноат корхоналари билан касаначилик ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш, корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда ишлайдиган фуқароларни асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш учун барқарор шарт-шароитлар яратиб берадилар, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини топшириш ва унинг учун ҳақ тўлаш масалаларини ўз вақти ва жойида ҳал қиладилар.

Кўришиб трибдики, касаначилик билан шуғуллуниш истагида бўлган фуқароларги жуда кўп имтиёзлар яратилган. Аммо жойларда бўлганимизда, аҳолининг турли қатламлари билан учрашилганда бу тадбирларнинг амалга оширилаётганлигидан, улар катта қулайлик ва имтиёзларга эга эканликларидан беҳабарлар. Шу туфайли

касаначилиқни тарғиб қилишни унинг тегишли имтиёзларга эга эканлигини тарғибот қилишда чарчамаслик керак, деб ўйлаймиз. Бу касаначи учун ҳам, давлат ва жимият учун ҳам нафли тадбирлардан. Пировардида аҳоли иш билан таъминланиб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали фаровонликка эришади. Бу бутун амалга ошириладиган ислохотларнинг мақсади ҳам шулу.

Касаначилиқнинг аҳамияти ва иқтисодийдаги ўрни шундан иборатки, унда касаначилиқ меҳнатининг турли моделларини қўллаш мумкин. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган.

Касаначилиқ меҳнатининг асосий моделлари

1. Корхонанинг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган ва аҳолига хизмат кўрсатадиган фуқаролар билан кооперация алоқаларини ўрнатиш		Қўлланиш соҳаси – фаолиятлари мавсумий тусга эга бўладиган корхоналар. Мисол – Чуст П/З уйда миллий пичоқлар, рўмоллар ва бошқа турдаги халқ ҳунармандлиги буюмлари тайёрлайдиган 24 нафар фуқаро билан меҳнат шартномаси тузган. Бундаги ютуқ касаначилиқ меҳнати бажариладиган иш ўринларини юзага келтиришга кам сарф-ҳаракат қилинишидан иборат.
2. Технологик жараёнига киритилган ихтисослаштирилган касаначилиқ меҳнати иш ўринларининг яратилиши		Қўлланиш соҳаси – асосий маҳсулот ишлабчи қариш учун айрим операциялар ёки буюмларни бажарилиши. Мисоллар – фурнитура ишлаб чиқариш, ярим фабрикатларни чарҳлаш, бутловчи деталлардан буюмлар йиғиш, тикув, пойабзал ва ҳоказо буюмларга қўлда ишлов бериш.
3. Корхонанинг ишлаб чиқариш		Қўлланиш соҳаси – ишлаб чиқариш айрим турларини корхонанинг ишлаб

дастурига киритилагн маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича касаначилиқ меҳнати иш ўринларини яратиш		чиқариш майдонларидан касаначиларнинг истикомат жойларига ўтказиш ва шунинг ҳисобига бўшаб қолган майдонлардан самарали фойдаланиш. Мисоллар – маҳсус кийим-бош, фартук ва қанорлар ишлаб чиқариш
4. Бош корхона эҳтиёжлари учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича касаначилиқ меҳнати иш ўринларини ташкил қилиш учун кичик корхона барпо этиш		Қўлланиш соҳаси – мазкур механизмдан асосий ишлаб чиқаришнинг технологик чиқиндиларидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни, шунингдек йўналиши ўхшаш бўлган истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқаришни ташкил этиши учун фойдаланилади. Мисоллар – «Атлас» АЖ ҳозирги пайтда гиламдўзлик билан шуғулланадиган 37 нафар касаначи аёлни жалб этган тарзда қўл меҳнати билан тайёрланадиган ипак гилам ишлаб чиқарадиган кичик корхонани барпо этди.
5. «Уй офиси» тамойили бўйича касаначилиқ меҳнатининг масофавий иш ўринларини ташкил этиш		Қўлланиш соҳаси – мазкур механизмдан ишлаб чиқариш фаолиятлари – коммуникациялар ва ахборот технологиялари билан боғлиқ бўлган корхоналар томонидан фойдаланилмоқда. Мисоллар – корхона коммуникация технологиялари соҳасида тайёргарликка ва иш кўникмаларига эга бўлган ходимларни ишга ёлламоқда ва уларнинг ёрдамида касаначилиқ меҳнати иш ўринларини яратмоқда.

2-чизма. Касаначилиқ меҳнатининг асосий моделлари

*Изоҳ: Мазкур чизмани тузишда Б.Б.Алимуҳаммедовнинг (ЎзР Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирининг ўринбосари) 2007 йил 12 январда ўқиган
маърузасида берилган тарқатма материаллардан фойдаланилди.*

4. Касаначиликни мамлакатимизнинг қаерида ва қандай ривожлантириш мумкинлиги

Ўзбекистон Республикасининг йирик саноат корхоналарида қўлланиладиган касаначилик меҳнатининг турлари жуда кўп. Корхоналарнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун уйда ишлаш имкони бўлган барча нарсаларни касаначилар ишлаб чиқишлари мумкин. Жумладан, корхоналар эҳтиёжлари ва сотув учун махсус кийим (комбенизонлар, халатлар, фартуклар, қўлқоплар) тикиш ва таъмирлаш, турли материаллардан совға материаллари тайёрлаш, спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш, майда ва сочиловчи материалларни ўраб-жойлаш, буюмлар маркасини белгилаб чиқиш, майда хўжалик жиҳозлари, идишларни ишлаб чиқариш каби операцияларни бажаришга қодир. Булардан ташқари ҳозирги кунда малакали бухгалтерлар касанаки сифатида ўз уйларида бухгалтерия, аудиторлик, девонхона ишлари (матбаа – босма ишлар, муқовалаш ва ҳоказолар)ни бажаришлари ҳам мумкин.

Касаначиликни ҳар бир соҳада ташкил қилиш мумкин. Масалан, электротехника заводларида электродвигателлар ва трансформаторлар перемоткаси ва таъмирини амалга ошириш, пластмасса ва жездан тайёрланадиган буюмлар ва майда деталларни тозалаш, электропроводка элементларини тайёрлаш, маиший электр асбобларини таъмирлаш каби ишларни бажариш мумкин.

Нефтни қайта ишлаш заводлари билан касаначиликни полиэтилен ва қоғоз қоплар ишлаб чиқариш, пластмасса буюмларидан прессформалар тайёрлаш каби ишар бўйича амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимизда йирик кимё заводлари мавжуд. Улар билан ҳам касаначиликни ташкил қилиб жуда самарали фойдаланишимиз мумкин. Булар жумласига полипропилендан буюмлар (қоплар, хўжалик сумкалари ва ҳоказолар) ишлаб чиқариш, пластмассадан совға буюмлари тайёрлаш (айрим деталларини тайёрлаш ва йиғиш), сочиловчан материаллар учун картон идиш, резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш мумкин.

Мамлакатимизда ривж топаётган машинасозлик заводлари билан касаначиликни метизлар ишлаб чиқариш, автомобил ва велосипедлар учун деталлар ва блоклар (электрpaketлар, втулкалар), автомобиллар

ўтирғичлари элементларини йиғиш, пластмассали шкивлар, сантехника буюмлари ишлаб чиқариш, маиший техника майда таъмирини амалга ошириш, асбобларни калибрларга ажратиш, майда хўжалик жиҳозлари (рўзғорда ишлатиладиган тахтачалар, сопла рва ҳоказолар) тайёрлаш жараёнлари учун фойдаланишимиз мумкин.

Фурнитура ишлаб чиқариш, мебел йиғиш (бутлаш), ёғоч ва пластмассадан тайёрланадиган майда деталларни тозалаш, парта ва бошқа мактаб анжомлари деталларини тайёрлаш ва таъмирлаш ишларини касаначилар бемалол мебель фабрикалари билан шартнома тузган ҳолда бажаришлари мумкин.

Бинокорлик саноати билан касаначиликни хом ғишт (сомон ғишт), дераза ромлари ва эшиклар, ҳамда уларнинг деталларини ишлаб чиқариш, кулолчилик ва керамика ишларини бажариш (шу жумладан, ганж буюмлари блокларини тайёрлаш), ёғочли рўзғор буюмлари, идиш тайёрлаш каби ишларни ривожлантириш мумкин.

Касаначиликни енгил саноатнинг барча тормоқларида қўллаш ва ривожлантириш мумкин. Жўн ва ипакдан кўлда глам тўқиш, трикотаж ва жўн маҳсулотлари тўқиш, матоларни кўлда бўйаш, кўрпа-ёстик ишлаб чиқариш, сочик тайёрлаш, жиҳозларга жилд тайёрлаш, матодан совға ва рўзғор буюмлари (салфетка-сочиклар, ошхона кўлқоплари, фартук ва ҳоказолар) ишлаб чиқариш каби жараёнларни бемалол уйда касаначиликни ташкил қилган ҳолда бажариш мумкин.

Худди шундай ишларни касаначилар тўқимачилик фабрикалари билан ҳам шартнома тузган ҳолда ишлашлари мумкин. Масалан, каштачилик ишлари (машинада ва кўлда кашта тикиш), кийим деталларига ишлов бериш, ва шундай деталларни тайёрлаш, кийим фурнитураси ишлаб чиқариш, якка тартибдаги буюмлари бўйича кийим тикиш кабилар шулар жумласидандир.

Пойафзал фабрикалари билан касаначилар ўртасида пояфзал деталларини тайёрлаш ва шундай деталларга ишлов бериш, чармдан тайёрланадиган совға буюмлари ишлаб чиқариш каби ишларни бажаришлари мумкин. Табиий ва сунъий чармдан деталлар ва буюмлар тайёрлаш (кесиш, чатиш ишларини бажариш), чармдан ва чарм ўрнини босадиган ашёлардан эксклюзив буюмлар тайёрлаш ишларини кончилик ва галантерея фабрикалари билан касаначилар ўртасида шартномалар тузиш асосида бажаришлари ҳам мумкин.

Пахта теришда ишлатиладиган фартуклар тикиш, кўлқоплар, матраслар, ёстиклар, кўрпачалар тайёрлаш, пахта титиш ва қавиш, гигроскопик пахта ўраб-жойлаш каби ишларни пахтани қайта ишлаш заводлари билан ҳамкорликда ишлашлари мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари билан қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш, шиша идишлар йиғиш ва бирламчи ювиш, сут тайёрлаш каби ишларда касаначиликни ривожлантириш мумкин.

Мамлакатимиз корхоналарида касаначиликни ташкил қилиш мумкин бўлган айрим ишлар рўйхати (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг йирик саноат корхоналарида қўлланиладиган касаначилик меҳнатининг асосий турларини рўйхати

Саноат тармоқлари	Касаначилик меҳнатининг турлари
Саноатнинг барча тармоқларида	- корхона эҳтиёжлари ва сотув учун махсус кийим (комбенизонлар, халатлар, фартуклар, кўлқоплар) тикиш ва таъмирлаш, - турли материаллардан совға материаллари тайёрлаш, - спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш, - майда ва сочиловчи материалларни ўраб-жойлаш, - буюмлар маркасини белгилаб чиқиш, - майда хўжалик жиҳозлари, - идиш ишлаб чиқариш, - бухгалтерия ва аудиторлик ишларини бажариш, - девонхона ишлари (матбаа – босма ишлар, муқовалаш ва ҳоказолар)ни бажариш ва ҳ.к.
Электротехника соҳасида	- электродвигателлар ва трансформаторлар перемоткаси ва таъмирини амалга ошириш, - пластмасса ва жездан тайёрланадиган буюмлар ва майда деталларни тозалаш, - электропроводка элементларини тайёрлаш, - маиший электр асбобларини таъмирлаш

Нефтни қайта ишлаш заводларида	- полиэтилен ва қоғоз қоғлар ишлаб чиқариш, - пластмасса буюмларидан прессформалар тайёрлаш
Кимё заводларида	- полипропилендан буюмлар (қоғлар, хўжалик сумлари ва ҳоказолар) ишлаб чиқариш, - пластмассадан совға буюмлари тайёрлаш (айрим деталларини тайёрлаш ва йиғиш), - сочилувчан материаллар учун картон идиш, резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш
Металлургия ва метални қайта ишлаш заводларида	- металдан тайёрланадиган заргарлик буюмлари ва совғалар, метизлар ишлаб чиқариш, - метал ва пластмассадан қуйиб тайёрланадиган буюмлар моделларини тайёрлаш, - майда хўжалик жиҳозлари, уруғ тозалайдиган счёткалар (тароқлар) ишлаб чиқариш
Машинасозликда	- метизлар ишлаб чиқариш, - автомобил ва велосипедлар учун деталлар ва блоклар (электрпакетлар, втулкалар), - автомобиллар ўтиргичлари элементларини йиғиш, - пластмассали шкивлар, сантехника буюмлари ишлаб чиқариш, - майший техника майда таъмирини амалга ошириш, - асбобларни калибрларга ажратиш, - майда хўжалик жиҳозлари (рўзғорда ишлатиладиган тахтачалар, сопла рва ҳоказолар) тайёрлаш
Мебель фабрикаларида	- фурнитура ишлаб чиқариш, - мебел йиғиш (бутлаш), - ёғоч ва пластмассадан тайёрланадиган майда деталларни тозалаш, - парта ва бошқа мактаб анжомлари деталларини тайёрлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш
Бинокорлик	- хом ғишт (сомон), - дераза ромлари ва эшиклар, ҳамда уларнинг деталларини

ашёлари саноатид а	ишлаб чиқариш, - кулолчилик ва керамика ишларини бажариш (шу жумладан, ганж буюмлари блокларини тайёрлаш), - ёғочли рўзгор буюмлари, - идиш тайёрлаш кабилар.
Тўқима- чилик ва трикотаж фабрика- ларида	- жўн ва ипакдан қўлда глам тўқиш, - трикотаж ва жўн маҳсулотлари тўқиш, - матоларни қўлда бўйаш, - кўрпа-ёстик ишлабч иқариш, - сочиқ тайёрлаш, - жиҳозларга жилд тайёрлаш, - матодан совға ва рўзгор буюмлари (салфетка-сочиқлар, ошхона қўлқоплари, фартук ва хоказолар) ишлаб чиқариш
Тикувчи- лик фабрика- ларида	- каштачилик ишлари (машинада ва қўлда кашта тикиш), - кийим деталларига ишлов бериш, ва шундай деталларни тайёрлаш, - кийим фурнитураси ишлаб чиқариш, - якка тартибдаги буюмлари бўйича кийим тикиш
Пойафза л фабрика- ларида	- пояфзал деталларини тайёрлаш ва шундай деталларга ишлов бериш, - чармдан тайёрланадиган совға буюмлари ишлаб чиқариш
Кўнчили к- галантер ия фабрика- ларида	- табиий ва сунъий чармдан деталлар ва буюмлар тайёрлаш (кесиш, чатиш ишларини бажариш), - чармдан ва чарм ўрнини босадиган ашёлардан эксклюзив буюмлар тайёрлаш
Пахтани қайта ишлаш завод- ларида	- пахта теришда ишлатиладиган фартуклар тикиш, - қўлқоплар, матраслар, ёстиклар, кўрпачалар тайёрлаш, - пахта титиш ва қавиш, - гигроскопик пахта ўраб-жойлаш
Озиқ- овқат саноатид	- қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш, - шиша идишлар йиғиш ва бирламчи ювиш, - сут тайёрлаш

а	
Ёғ-мой	- қандолатчилик маҳсулотлари
Матбаа	- эсталиклар, совға буюмлари тайёрлаш

Ушбу жадвалда касаначиликни ташкил қилиш мумкин бўлган саноат корхоналарининг айрим ишларгагина тўхталдик. Аслида бу ишнинг кўлами шунча кенги, гап уни тўғри ташкил қилишда. Касаначиликни хизмат кўрсатиш тормоқлари, ишлар бажариш ва сервис соҳаси корхоналарида ҳам кенг қўллаш мумкин. Буларнинг айримлари ушбу жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатиш тормоқлари ва сервис соҳасида қўлланилиши мумкин бўлган касаначилик меҳнатининг асосий турларининг рўйхати

Тармоқнинг номи	Касаначилик меҳнатининг фойдаланилаётган турлари
Қурилиш ишларида	- хом ғишт тайёрлаш, - дурадгорлик буюмлари (дераза ромлари, эшиклар) тайёрлаш, - уларга ишлатиладиган деталлар ва фурнитуралар тайёрлаш, - кулолчилик-пардозлаш блокларини тайёрлаш, - ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш, - қурилиш объектлари дизайни тайёрлаш, - турли безаклар ишлаб чиқиш
Уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш соҳасида	- диспечерлик ишларини бажариш (таъмирлаш талабномаларини қабул қилиш ва таксимлаш), - сантехника буюмларига ишлатиладиган деталларни тайёрлаш бўйича майда чилангарлик ишларини бажариш, - ўлчаш асбобларини майда таъмир ишларини бажариш
Майиш хизмат кўрсатиш соҳасида	- кир ювиш, - ювилган маҳсулотларни эгаларига етказиб бериш,

	- дозмоллаш кабилар
Темирйўл транспорти хизматлари	- кўрпа-ёстик буюмларини, матрасларни тикиш ва таъмирлаш, - йўл чипталарини уйга етказиб бериш, - диспетчерлик-маълумот бериш ишларини бажариш, - таржима ишларини бажариш ва ҳ.к.
Авиация транспорти хизматлари	- униформани ювиш ва таъмирлаш, - суянадиган ёстикчалар учун сочиклар тайёрлаш, - маиший научникларни таъмирлаш ва тиклаш, - диспетчерлик маълумот бериш ишларини бажариш, - таржима ишларини бажариш
Автомобил транспорти хизмати	- автомобилларга ишлатиладиган агрегатлар ва эҳтиёт қисмларни тиклаш ва таъмирлаш, - турли бутловчи майда деталларни ишлаб чиқиш, - таъмирлаш хизматлари.
Алоқа ва коммуникация хизматлари	- почта конвертларини тайёрлаш, - кабелли телевидение сигналлари кучайтиргич блокларига хизмат кўрсатиш
Туризм ва меҳмонхона ишлари сервиси	- кир ювиш ишлари, - жиҳозлар ва мебелни майда таъмир ишларини бажариш, - кичик меҳмонхоналари сақлаш, - меҳмонхоналаридаги жойларни бронлаш бўйича диспетчерлик ишларини бажариш, - буклетлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, - кичик безатиш шаклларини ишлаб чиқиш
Товарлар тайёрлаш ва моддий-техник жиҳатдан таъмирлаш	- шиша идиш йиғиш ва бирламчи ювиш, - майда ва сочилувчан товарларни қадоқлаш ва бутлаш, - униформани таъмирлаш ва ювиш
Молия ва суғурта	- суғурта бўйича агентлик ишлари,

хизматлари	- бухгалтерия ишларини бажариш
Маданият ва санъат соҳаси	-буклетлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, - кичик безатиш шакллари ишлаб чиқиш, - бадиий буюмларни реставрация қилиш ва тиклаш
Таълим хизматлари бўйича	- компьютер тармоқларида ўқув ахборотларини излаш в танлаб олиш, - масофадан туриб ўқитиш ва маслаҳатлар бериш, - репетиторлик қилиш кабилар
Ноишлаб чиқариш соҳасининг барча тармоқлари	- махсус кийим тикиш ва таъмирлаш, - совға буюмлари тайёрлаш, - жиҳоз ва асбоблар майда таъмирини бажариш, - матбаа-босма ишларини бажариш

5. Касаначилик соҳасидаги имтиёзлар

Ҳозирги кунда мамлакатимизда касаначиликни ташкил қилган корхоналар учун ҳам ва касаначилик билан шуғулланадиган аҳоли учун ҳам бир канча **имтиёзлар берилган**. Бу имтиёзларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчида, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йил 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга , меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинади.

Иккинчидан, агар корхоналар касаначиларга ишлаб чиқариш ва иш бажариш учун шартнома асосида асбоб-ускуналар ва жиҳозларни текин фойдаланиш учун берган бўлса, шу фойдаланиш даврида ушбу жиҳозлар учун мулк солиғидан озод этилади.

Учинчидан, касаначилар томонидан буюртмачи корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди.

Тўртинчидан, касаначилар фаолияти алоҳида текширилмайди. Уларнинг фаолияти буюртмачи-корхона қонунчиликлда белгиланган тартибда текширил-гандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин. Бундай ҳолат нафақат корхоналар, балки касаначилик билан шуғулланган аҳолининг ҳам иқтисодий эркинлигини таъминлаш имконини беради.

Бешинчидан, касаначилик меҳнати билан шуғулланадиган шахслар меҳнат шартномаси бўйича ишларни бажариш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматларга аҳоли учун қўлланиладиган таърифлар бўйича қатъий равишда ўлчов асбоблари кўрсаткичлари асосида ҳақ тўлайдилар.

Олтинчидан, касаначи ўз уйида меҳнат қилишига қарамасдан ҳар йили меҳнат татилини ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда олишга ҳақли. Унинг муддати 15 кундан кам бўлмаслиги лозим. Меҳнат татилини бериш вақти ва навбати касаначи билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилади.

Етинчидан, касаначи пенсия ва барча ижтимоий тўловлардан корхонада ишлаётган ходимлар сингари фойдаланишга ҳақли. Уларга ёши бўйича пенсия тайинланади ва иш фаолиятида касал бўлиб қолган тақдирда ижтимоий нафақа олишга ҳам ҳақли.

Мазкур фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, касаначилар ва шартнома асосида ишлаётган корхоналарга, таъкидланганидек, бирқанча имтиёзлар берилган экан. Аммо ушбу имтиёзларни қўллашда хато ва камчиликларга йўл қўйилса, тегишли тарзда чоралар ҳам кўрилади. Ҳозирги пайтда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизими ҳам ишлаб чиқилган.

2006-2007 йилларга ва кейинги даврларга мўлжалланган аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастурларида, маҳаллий ҳокимият органлари, касаначиликни оммалаштиришга доир бирқанча аниқ чора-тадбирларни кўзда тутмоғи лозим. Бу билан меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлашнинг янги ва энг қулай имкониятлари очилади. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир корхона ҳам энди ўзларининг фаолиятини яна бир бор қайтадан

мониторинг қилиб кўришлари, ўзларининг имкониятларидан келиб, чиқиб касаначиликни қай даражада ривожлантириш мумкинлигини аниқлаб олишлари лозим. Бунда қайси соҳалар бўйича касаначиликни ривожлантириш мумкин, уни ташкил қилиш учун қанақа чора-табирлар кўриш кераклиги ва уларнинг харажатлари қандай ва қайси манбадан қопланиши лозимлигини белгилаб олишлари ҳам бугунги кунда ўта муҳимдир.

Касаначилик билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳам ҳали ишланмаган. Шу туфайли Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудити услугиёти бошқармаси касаначилик муносабатларини ҳисобга олиш тизимини ишлаб чиқишга, ҳисоб тизимига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга зудлик билан киришмоғи лозимдир.

Низомда таъкиланишича, иш берувчи касаначига юкланган иш топшириқлари рўйхатини юритишлари керак. Мазкур рўйхатда қуйидагилар ўз аксини топади:

- иш топшириғини бажариш учун ажратилган вақт;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ставкалари;
- падо бўлган чиқимлар, агар касаначи томонидан бундай чиқимлар амалга оширилган бўлса;
- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадларидан солиқ органларига ва Пенсия жамғармасига ажратмалар;
- тўланиш керак бўлган умумий ҳақ ва тўланган ҳақ.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, касаначиликни ташкил қилган корхоналарда ҳисоб-китоб ишларига анчагина ишлар қўшилган. Булар, албатта бухгалтерия ҳисобига ҳам анчагина ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни талаб қилади.

Касаначиликда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Касаначилик тўғрисидаги низомга асосан касаначилар ишига ишбай ҳақ тўланади. Иш ҳақи амалда бажарилган ишлар учун ёки сифати бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун тўланади.

Иш ҳақини тўлашда унумдорлик нормалари ва ишбай нархлар амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланади ва улар шартномада қайд этилади. Уларнинг иш ҳақи миқдори кархонада

ишлайдиган ишчиларнинг иш ҳақлари миқдори даражасида белгиланиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, касаначиларнинг иш ҳақи унинг томонидан меҳнат нормалари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас. Аммо унинг юқори миқдори чегараланмайди.

Касаначиларга иш ҳақини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- бажарилган ишни топширган пайтда;
- ёки меҳнат қонунчилигида белгилангандек, маълум бир муддат орлиғида;
- ёки аввс твриқасида. Булар шартномада қайд этилган бўлишлиғи лозим.

Агар касаначи фаолият кўрсатаётган жойда иш ҳақиға туман коэффиценти қўлланилаётган бўлса касаначи меҳнатига ҳақ тўлашда ҳам мазкур коэффицент қўлланилади.

Касаначининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларнинг бажарган ишларига, келишилган тартибда, бир ҳисса ҳақ тўланади. У ўз иш кунини ўз хоҳишиға кўра тақсимлайи. Унга иш вақтидан ортиқча ишлаганлик, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлик, тунги вақтда ишлаганлик каби меҳнатға ҳақ тўлаш шартлари тадбиқ этилмайди.

Юқорида таъкидланганидек, касаначи иш ҳақидан ташқари иш берувчидан маълум даражада конфенция олади. Конфенция қуйидаги ҳолларда тўланади:

- касаначилик фаолияти билан боғлиқ равишда энергия, сув, алоқа, машина ва асбоб ускуналарға хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, транспорт харажатлари учун;
- транспорт харажатлари ва улардан фойдаланиш харажатлари амортизацияси, шунингдек иш берувчининг буюртмасини бажариш учун фойдаланиладиган ва касаначининг ўз мулки ҳисобланган жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналар амортизацияси учун;

Касаначининг касаначилик фаолиятини амалға оширадиган уй-жойлари яшаш жойи ҳисобланганлиғи учун уй-жойдан фойдаланиш харажатлари иш берувчи томонидан қопланмайди.

Мазкур фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларда йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу асосан шаҳар аҳолисини иш билан таъминлашга қаратилган, чунки йирик корхоналарнинг аксарият қисми шаҳарларда жойлашган. Бундай ҳолат аҳолини иш билан таъминлашнинг яна бир йўналишини очиб бермоқда. Олдинлари, иш билан бандлик масалалари қишлоқларда анча ҳал бўлган эди. У ерларда фермерлик ҳаракатининг ривожланиши ва деҳқон хўжаликларининг ташкил бўлиши билан аҳолининг бандлиги таъминланаётган бўлса, эндиликда бу муаммо шаҳарда ҳам ҳал бўлиши учун катта имкониятларни туғдирмоқда.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, касаначилик фақат шаҳар аҳолисини иш билан таъминлашгагина мўлжалланган эмас. Бу усул билан қишлоқ ва шаҳар аҳолиси бемалол шуғулланишлари мумкин. Бу фаолиятнинг чегараси чекланмаган. Барча жойларда иш берувчи корхоналар мавжуд бўлса касаначиликни ташкил қилавериши мумкин. Бундан ташқари қишлоқ аҳолиси ҳам шаҳардаги корхоналар билан шартнома асосида касаначилик фаолияти билан бемалол шуғулланиши учун ҳам кенг имкониятлар туғили.

Шундай қилиб, мамлакатимизда янги йўналиш - оилавий тадбиркорликни қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам ривожлантириш бўйича имконият пайо бўлди. Бу аҳолини иш билан таъминлаш билан бирга, уларнинг даромадларини ошириш, давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш, пировардида оила фаровонлигини ошириш имкониятларига ҳам эга бўлди.

6. Касаначилик меҳнатининг Самарқанд вилоятида амалга оширилиши мумкин бўлган турлари

Мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида ҳам касаначилик меҳнатининг турлари жуда кўп. Гап улардан фойдаланган ҳолда жойларда ташкил қилишда. Уларнинг айримлари ушбу чизмада келтирилган (3-чизма).

Касаначилик



3-чизма. Касаначилик меҳнатининг асосий турлари

Изоҳ: Мазкур чизмани тузишда Б.Б.Алимуҳаммедовнинг (ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирининг ўринбосари) 2007 йил 12 январда ўқиган маърузасида берилган тарқатма материаллардан фойдаланилди.

Ҳозирги пайтда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида мавжуд йирик корхоналарнинг мутахассислигига кирмайдиган махсус турларини ўйда тайёрлашни ташкил этиш асосида шаҳарда ва қишлоқ туманларида касаначилик

меҳнатига асосланган иш ўринларини яратишнинг имкониятлари ва асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат.

1. Уй шароитида анъанавий қандалат маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

2. Ошхона, кафе ва ресторанлар учун майда сочиклар ишлаб чиқиш.

3. Ошхона, кафе ва ресторанлар учун капкир, сабзи тахта ва бошқа жиҳозлар ишлаб чиқиш.

4. Туалет қоғозларини ишлаб чиқиш.

5. хўжалик сумкаларини ишлаб чиқиш.

6. Қандалатчилик маҳсулотларининг заонавий турларини ишлаб чиқиш.

7. Қамишдан стол-стул ва бошқа мебеллар ва сават буюмларини тайёрлаш.

8. Компьютер хизматларини кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш.

9. Махсус ишчи кийимлар ва кўлқоплар тикиш.

10. Таълим ва тиббиёт соҳалари учун махсус халатлар, халтачалар ва ниқоблар ишлаб чиқиш.

11. Хўжалик эҳтиёжлари ишлатиладиган қоп ва халтачалар ишлаб чиқиш.

12. Оилага зарур бўладиган турли арқонлар ва занжирлар ишлаб чиқиш.

13. Аҳоли эҳтиёжи учун кетмон, болта, чўт, курак каби уй анжомлари ишлаб чиқиш.

14. Майда чарм-галантерея буюмларини ишлаб чиқиш.

15. Картон, қалин қоғоз ва картон қутилар ишлаб чиқиш.

16. Ёғочдан яшиқлар ишлаб чиқиш.

17. Ёғоч ўймакорлиги ишлатилган турли уй анжомларини (эшик, рамка, хонтахта кабилар) ишлаб чиқиш.

18. Майда уй жиҳозлари, кансерва ёпиш учун қопқоқлар ишлаб чиқиш.

19. Уй шароитида гиломлар ва турли гилом маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

20. Музқаймоқ ишлаб чиқиш.

21. Талқон, қавурмоч ва шу каби парҳез маҳсулотлар тайёрлаш.

22. Шўрданақ, нухат, ўрик, майиз каби қуруқ мевалар тайёрлаш.
23. Уй шароитида турли ичимликлар ва шарбатлар тайёрлаш.
24. Нотўқима материалларнинг хилма-хилларини ишлаб чиқиш.
25. Полиэтилен плёнкада турли ўраш ва бошқа эҳтиёжлар учун буюмлар тайёрлаш.
26. Мактаблар ва бошқа таълим муассасалари учун бор ишлаб чиқиш.
27. Миллий хунармандчиликка асосланган заргарлик буюмларини ишлаб чиқиш.
28. Тикувчилик буюмларидан турли тўнлар, яктаглар каби миллий кийимлар ишлаб чиқиш.
29. Дўппи ишлаб чиқиш.
30. Телпак ишлаб чиқиш.
31. Турли қулолчилик ва яғочдан совғалар ишлаб чиқиш.
32. Қулолчилик маҳсулотларидан товақлар, ликопчалар, чайник ва пиёлалар ишлаб чиқиш.
33. Мобил телефонларини созлаш ва улар учун турли акцизуарлар сотиш.
34. Маиший техника товарларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш.
35. Мех ва бошқа металдан тайёрланадиган турли фурнитуралар ишлаб чиқиш.
36. Мебел ва пардозлаш фирматураларини ишлаб чиқиш.
36. Рўзғор пичоқларини ишлаб чиқиш.
37. Метал пандараларни ва тўрларни ишлаб чиқиш.
38. Қартондан фойдаланиш асосида рубероидлар ишлаб чиқиш.
39. Паррандачилик учун омукта ем етиштириш.
40. Иссиқхоналар қуриш ва уларда турли маҳсулотлар етиштириб бериш.
41. Тегирмонда ун тайёрлаш.
42. Жувозларда турли ўсимлик ёғларини тайёрлаш.
43. Нон ёпиш ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқиш.
44. Турли димланган гўштлар, гўшт маҳсулотлари ва колбасалар ишлаб чиқариш.
45. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
46. балиқ етиштириш ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

47. Яримфабрикат озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш.
48. Консерва маҳсулотларини ишлаб чиқиш.
49. Бешик ва унга тегишли жиҳозларни ишлаб чиқиш.
50. Нусхакўчириш ва турли муқовалаш ишларини амалга ошириш.

Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин эди. Аммо ушбу соҳалар ва меҳнат турлари ҳам биринчи босқичда касаначиликни ривожлантириш учун етарли, деб ўйлаймиз.

Мундарижа

Кириш	3
1. Касаначилик тушунчаси	4
2. Касаначиликни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти	6
3. Касаначилик меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий моделлари	11
4. Касаначиликни мамлакатимизнинг қаерида ва қандай ривожлантириш мумкинлиги	16
5. Касаначилик соҳасидаги имтиёзлар	23
6. Касаначилик меҳнатининг Самарқанд вилоятида амлга оширилиши мумкин бўлган турлари	27

**Мазкур кўрсатма нусха кўпайтириш қурилмасида чоп қилинди.
Манзил: Самарканд ш. Амир Темур кўчаси, 9 уй.
Адади 100 нусха. Ҳажми 2,0 б.т.**